

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

■ ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

ТАБАРРУК УМР ЭЪТИРОФИ

ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚОЗОФИСТОНГА
ТАШРИФИГА ДОИР



 В И Л Я Т Ҳ А Ё Т И

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН
ИМКОНИЯТ

■ ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ

ҚАСАМЁДГА СОДИҚЛИК БУРЧИ

■ МАЪНАВИЯТ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

КЕНГ, РАВОН КЎЧАЛАР

УЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

■ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

ДЎСТЛИК
БАЙРАМИ



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

■ ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

ТАБАРРУК УМР ЭЪТИРОФИ

**ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚОЗОФИСТОНГА
ТАШРИФИГА ДОИР**



Вилоят Ҳаёти

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН
ИМКОНИАТ

■ ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ

**ҚАСАМЁДГА
СОДИҚЛИК
БУРЧИ**

■ МАЪНАВИЯТ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР
ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ**


КЕНГ, РАВОН КЎЧАЛАР

УЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

■ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

**ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
ЮКСАК САМАРАЛАРИ**

**ДЎСТЛИК
БАЙРАМИ**



**ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН
ИМКONIЯТ**

КЕНГ, РАВОН КЎЧАЛАР

УЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ



Ўзбекларнинг энг яхши ниятларидан бири шуки, "Байрам байрамдек бўлсин!" дейишади. Юртимиз Мустақиллигининг 21 йиллик байрами Қўйи чирчиқлик табаррук ёшдаги Нишоной момо Махсудова учун чин маънода энг улуг, энг азиз байрамга айланди. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ 107 ёшли бу ая туманнинг Гул қишлоғидаги жамоат ишларида беминнат маслаҳатлари билан ҳамон одамларга нафи тегаётгани учун "Шўхрат" медали билан тақдирланди.

Айни кунларда момонинг табаррук хонадони қўни-қўшни, қариндош-уруғлар билан гавжум. Зеро, Нишоной момони давлат мукофоти билан табриклаш ҳаммага ҳам завқ бағишлайди, албатта. Бу хушxabардан, айниқса, Ўжакент қишлоғи аҳли жуда хурсанд. Чунки, бу қишлоқ кексалари момонинг ўтмишида "Ўжакент" жамоа хўжалигида галлачилик ва пахтачилик соҳаларини ривожлантиришга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшганини яхши билишади. Нафақат бу хўжалик, балки туманнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига ҳам унинг меҳнатлари кўп сингган.

Шуни диққатга сазоворки, момо табаррук ёшда бўлишига қарамай, ҳамон фаол ҳаракатда. У киши бутун қишлоқнинг маслаҳатгўйи. Қишлоқни ободонлаштириш, оилаларнинг мустаҳкамлиги ва озми-кўпми юзага келиб турадиган муаммоларни



ижобий ҳал этишда оқилона маслаҳатлари доим асқотади.

Н. Махсудова беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Беҳисоб невар ва эвараларнинг бувиси.

Кеча момонинг хонадони ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Яқин қўшнилар, қариндош-уруғлар тўпланишди. Вилоят ҳокими Рустам Холматов йиғилганларнинг гулдорос қарсақлари остида момога Давлат мукофоти – "Шўхрат" медалини тантанали суръатда топширди.


– Бизнинг юртимизда ҳалол меҳнат ҳеч қачон беътибор қолмайди, – деди вилоят ҳокими. – Аксинча, ҳар доим лозим даражада тақдирланади. Биз табаррук бу онахонимизнинг республика қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшганларини яхши биламиз. Ушбу мукофот мана шу ҳалол ва беназир меҳнатга берилган муносиб баҳоидир.

СУРАТА: бугун Нишоной Махсудовани (чапдан иккинчи) табриклаётганлар кўп. **Даврон АХМАД олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифиға биноан 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф якунлари бўйича Қўшма бёғотни қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.



ЧИНОЗ ТУМАНИ

1-умумтаълим мактабида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

Унда тумандаги барча умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. УЗМТП туман кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган тадбирни ўтказишдан қўлланган

мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Тадбир доирасида мустақиллик аталмиш неъматнинг имкониятларини ёшларга тўлақонли етказиш хусусида сўз борди. **Ирода НОРБОЕВА.**

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

Туман қишлоқ ва маҳаллалари кўчаларида 4 километр масофага асфальт ётқизилди.

Жумладан, Истиклол, Оқовул қишлоқларидаги Янги турмуш ва Нарвўз кўчаларини асфальтлаш ниҳоясига етди. – Йил охиригача яна 5 километр узунликдаги кўча-

ларни асфальтлашни режалаштирганимиз, – деди туман йўл-хўжалиги пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси раҳбари Учқун Бегматов. **Мақсуда ЧЎЛИЕВА.**

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

Дўрмон қишлоғи "Бирлик" маҳалласида касаначи Муътабархон Олимжонов уй бекалари учун кўрпа-тўшак қавиш цехи очди.

Ҳозир унда 11 нафар уй бекаси ишламоқда. Тиниб-тинчимас тадбиркор аёл цехни кенгайтириб, сут маҳсулотлари тайёрлаб, сотиш-

ни йўлга қўйди. Натижада яна 8 нафар аёл ишли бўлди. **Умида ШУКУРОВА.**

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига бу йил ўқишга кирган ўғлонлар ота-оналари, ўқитувчи-офицерлар ва кенг жамоатчилик иштирокида тантанали ҳарбий қасамда қабул қилдилар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қўрол Кучларининг жанговар салоҳиятини кучайтириш, миллий армиямиз сафларини интеллектуал салоҳиятини, дунёқароши кенг, мураккаб тактик вазиятларда тезкор қарор қабул қила оладиган, Ватанга садоқатли, ҳар томонлама етуқ офицер кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган мамлакатимизда ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид фармойиши бу борада муҳим дастуриал амал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Қўрол Кучларимизда офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳар томонлама муносиб ёшларимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун етарли шaroит яратиш, ҳарбийлик касбининг нуфузини янада ошириш юзасидан кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Бунинг самарасида ёшларнинг соҳага бўлган қизиқи-

ши ва интилиши ошмоқда. Қўрол Кучларимиз сафлари мард, жасур, фидойи, Ватан ҳимояси учун доимо тайёр кадрлар билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатимиз Қўрол Кучларини ислоҳ этиш жараёнида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, билим даргоҳининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ўқув хоналари зарур ускуна ва тренажёрлар билан жиҳозланди. Дарс жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

– Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, – дейди қашқадарёлик курсант Абдувоҳид Абдуназаров. – Шунинг учун мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ жисмоний ва интеллектуал салоҳиятимни оширишга ҳаракат қилдим. Ниятим олий ҳарбий билим юртида ўқиб, офицер бўлиб етишишим.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Тарбия ҳақида сўз борганда улуг маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган фикрлари беихтиёр ёдга тушади. "Ё ҳаёт – ё мамот, ё саодат – ё фалокат"...

Бу сўзлар маъносию мазмун-моҳиятига ортиқча таъриф ва тавсифнинг ҳолати йўқ. Қайсики, табиатнинг олий мавжудоти саналмиш инсон ана шу тарбия билан инсон! Билмак, унинг бошқа жонзотлардан фарқи қолмайди.

Ҳаётда баъзан керакли тарбиядан мосуво, оқибатда бебахт, бахтиқароликка маҳкум этилганлар учраб туради. Бу эса бизнинг, яъни катталарнинг айбимиз.

Катталар бу – аввало ота-

она, кейин опа-ака. Қолаверса, маҳалла, қариндош-уруғ. Боғчада тарбиячию мактабда ўқитувчи, коллеж, лицей, институтларда устозлар.

Аммо, тарбияга ҳамма ҳар хил ёндашади. Яъни ҳар ким ўз ҳолатидан келиб чиқиб, муносабатда бўлади. Лекин барчанинг тарбияда ўз ўрни, роли бор. Ота-она фарзандни кўпроқ моддий жиҳатдан таъминлашни биринчи ўринга қўяди. Ахлоқий-маънавий мезон баъзан улар

эътиборидан четда қолиши мумкин. Бу эса бола тарбиясида нотўқислик, кемтиклик пайдо бўлишига олиб келади. Натижада бу иллат ниш уриб, куртак чиқаради, мактабгача таълим-тарбия муассасаси, мактабу коллежларда бериладиган билим, кўникма ва маънавий-маърифий тарбияга салбий таъсир кўрсата бошлайди. Демак, бола тарбиясидаги оиланинг ўрнини тўлдириш қийин.

Шунинг учун ҳам оила масаласига жамият тараққиётига дахлдор муҳим омили сифатида қаралиб, ҳатто йилларимизга ҳам "Оила йили", "Мустаҳкам оила йили" дея ном берилган. Афсуски, бар-

"Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафқурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқибга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари,

халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни аққол намоен этмоқдамиз".

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги таъриқ сўзидики мазкур фикрларда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг юксак самаралари, оламшумул ўзгаришларнинг мазмун-и ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритган пайтда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда узоқ йиллар давомида кўплам муаммолар тўпланиб қолган эди. Боз устига, юртимиз

асосан хом ашё худуди сифатида "ипсиз боғлаб" қўйилган, санаот корхоналари асосан хом ашё ишлаб чиқарар, қишлоқ хўжалиги издан чиққан, иқтисодий инқироз ёқасида эди. Катта иқтисодий салоҳиятга, меҳнат ресурсларига эга Ўзбекистон ўзини ўзи боқмайди деган даражага тушиб қолганди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўқиб, ўша оғир вазият ҳақида тула тасаввур ҳосил қиламиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган

иқтисодий ислохотларнинг асослари, концепцияси ва стратегик йўналишлари, тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб ном олган ривожланиш йўлининг асосий тамойиллари ўша синови 1989-1991 йилларда шаклланди деганига амин бўламиз.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсати халқимизни турли хавфу хатарлардан

беталафот олиб ўтди.

Мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йўлини танлашда, тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқишда принципиал аҳамиятга эга ўл масалага алоҳида ургу берилганлиги ушбу моделнинг ҳаётлигини таъминлашга хизмат қилди.

Биринчидан, миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг менталитети, мамлакатимизнинг географик вазият, халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи инobatга олинди.

Иккинчидан, эски тузумда узоқ йиллар давомида юритилган нотўғри сиёсат оқибатида шаклланиб қолган ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммолар ва номутаносибликларнинг келиб чиқиш сабаблари очиб

берилди.

Учинчидан, бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг жаҳон тажрибаси ҳамда ривожланган давлатлар тараққиёт йўллари чуқур ўрганиб чиқилди. Ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқишда уларнинг энг илғор жиҳатларидан фойдаланилди.

Шу боис қисқа вақт ичида фундаментал, назарий жиҳатдан чуқур асосланган ва пухта ўйланган машҳур беш тамойилга асосланган миллий тараққиёт йўлимиз тўлиқ ўзини оқлади. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, бу стратегия натижалари иқтисодий назарияга ҳамда ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа давлатлар амалиётига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

(Давоми 2-бетда).

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАЛАРИ



МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНДИ



XXI Ва аср дунё

НАРКОКАРТЕЛЬ
ЕТАКЧИСИ
УШЛАНДИ

МЕРОСХҲҮР ҲИБСГА ОЛИНДИ



ВОЛАЛИК ВОҒИ

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

VATAN
NIMA?

ОТАНГ БОР —
ДАВЛАТИНГ БОР



РАССОМ КИНОЯСИ

БУ - ҚИЗИҚ



ЎРМОНДА КУЧЛИ ЁНГИН



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАЛАРИ

МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАНДИ



XXI Ва аср дунё

НАРКОКАРТЕЛЬ ЕТАКЧИСИ УШЛАНДИ

МЕРОСХҲҮР ҲИБСГА ОЛИНДИ



ВОЛАЛИК ВОҒ'I

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

VATAN NIMA?

ОТАНГ БОР – ДАВЛАТИНГ БОР



МИЛИЦИЈАМИ ЁКИ КОРРУПЦИЈА?

РАССОМ КИНОЯСИ

БУ – ҚИЗИҚ

Митти принтер

«Кер 32» тақдимоти



ЎРМОНДА КУЧЛИ ЁНГИН



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



VATAN NIMA?

XXI ва аср дунё


НАРКОКАРТЕЛЬ ЕТАКЧИСИ УШЛАНДИ

МЕРОСХҲҮР ҲИБСАГА ОЛИНДИ



МИЛИЦИЯМИ ЁКИ КОРРУПЦИЯ?

ЎРМОНДА КУЧЛИ ЁНГИН





Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) шафелигида ташкил этилган нуфузли мусобақанинг хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларида ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Колумбия шахматчиларини 3:1 ҳисобида енди.

Биринчи тахтада ўйнаган терма жамоамиз етакчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова Анжела Франко Валенсияни мот қилди. "Универсиада - 2010" ғолибаси Нодиржонова эса Жени Чриви Кастиланкодан устун келди. ФИДЕ устаси Ирина Геворкян ҳамда мамлакатимиз чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева Беатрис Франко Валенсия ва Мелисса Гомез билан ўйинда дуранг натижага қайд этди.

Истанбул шаҳрида давом этаётган Жаҳон шахмат олимпиадасида шахматчиларимиз бешинчи тур учрашувларини галаба билан якунлаб, юқори ўринлар учун курашни давом эттирмакда.

2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов дастлабки учрашувда тунислик Комил Нхилийини мот қилди. Терма жамоа таркибида мағлубиятсиз донораётган халқаро гроссмейстер Марат Жумаев Зубайр Амдунийни, халқаро тоифадаги спорт устаси Андрей Квон Амир Заибийни мағлубиятга уратди. Ёш шахматчиимиз Жўрабек Хамроқов эса Мухаммад Али Бурдигарга ютказди.

Хамроқовларимиз олтинчи тур учрашувини Бразилия терма жамоасига қарши ўтказди.

2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов дастлабки учрашувда тунислик Комил Нхилийини мот қилди. Терма жамоа таркибида мағлубиятсиз донораётган халқаро гроссмейстер Марат Жумаев Зубайр Амдунийни, халқаро тоифадаги спорт устаси Андрей Квон Амир Заибийни мағлубиятга уратди. Ёш шахматчиимиз Жўрабек Хамроқов эса Мухаммад Али Бурдигарга ютказди.



Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Вьетнамда "AFF Cup - 2012" халқаро турниридаги дастлабки учрашувини Австралия вакилларига қарши ўтказди.

Биринчи бўлимда ўз дарвозасидан гол ўтказиб юборган ёш футболчиларимиз ўйиннинг сўнгги ўн дақиқасида иккита тўп киритди ва галабага эришди. Голлар Абдулазиз Юсупов ва Жаҳонгир Абдумўминов ҳисобига эзиди.

Иккинчи учрашувда Вьетнам футболчилари Эрон ёшлар терма жамоасидан 1:2 ҳисобида мағлуб бўлди. 4 сентябрга белгиланган иккинчи турда Ўзбекистон ва Эрон ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашади.

"AFF Cup - 2012" халқаро турнири ёш футболчиларимиз учун жорий йилнинг 3-17 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган ёшлар ўртасида Осиё чемпионатига тайёргарлик вазифини ҳам ўтади. Ушбу мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "С" гуруҳидан чиқиб учун Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам ва Иордания футболчилари билан рақобатлашади. Қитъа чемпионатида кучли туртиқдан жой олган жамоалар келаси йили ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма олади.

Ўзир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

"Vatan" deydilar chunon, Vatan nima, otajon? - Javobi juda oson, Quloq sol, ey bolajon! Vatan shu yurt, shu makon, Tog'-u daryo, dasht, o'rmon. Shu zamin va shu osmon, Ulardagi har bir jon. Vatan shu yurt, shu makon. Ajdodlar necha zamon Shunda to'kkan kindik qon, Shunda yashab, bergan jon. Vatan shu yurt, shu makon. Yodingda bo'lsin har on - Vatandan kechib inson, Baxt topolmas hech qachon! Vatan shu yurt, shu makon, Muqaddasdir, jonajon. Senga sharaf, senga shon Vatanim - O'zbekiston! To'iqin NURMUHAMMAD.

Мен сизни соғиндим, болалик ўртоқларим... Тупроқ кўчаларда чоққиллаб кетаётган болакай, бошчасига қип-қизил дурра танган қорамғиз қизалоқ... Ана, Рихси буви тандирда нон ёпаётган чоғи, ширин исси димоқни қитқилаб ўтди... Биз, қизлар йигитчалар билан бирга тўп тепамиз. Мен дарвозабон, Жўра, Йўлдош, Камол, Мутал акаларимиз хужумчилар... Бу қиз бола бўлса, дарвозабонлик қила олармикан, деган ўй ҳеч кимда йўқ. Ҳамма соддалик билан битта сал пучайган тўпнинг ортидан қора терга ботгунча чопади. Пасткамгина девор ортидан онамнинг юзлари кўринади: "Ҳой, дадангиз ишдан қайтадиган вақт бўлди, сизлар айтганларини ҳали бажармадингиз".

римда унинг қалин қора қошлари, доим жиддий боқадиган нигоҳлари кўз олдимга келади. Онам қўйналган кезларда ҳам дадани эслайман. Ота ўйининг устаси эканини ҳар дақиқада ҳис этадиган ғамбодалар тушунади бу аламини! Оналарнинг кўнгли юмшоқ бўларкан. Акамиз биз улгайгач, уришмайдиган, сўкмайдиган бўлди, меҳр кўрсатиш-

риб кўрай, деганман ўтинч билан. Дадам индамай мени кузатган. Узим мустақил пойтахтга йўл олиб, Эски шаҳарда ижарада яшаб, бир ойдан сўнг ўқишга кириб қайтдим. Уйга келганимда еттинчи осмонда учардим гўё. Уша вақтда акам институтни битириб, Германияда аскарлик хизматини ўтарди. Акамнинг яқин жўраси Олим ака онам билан бирга ман-


аммо бу кўзешларини менга кўрсатмасликка тиришарди. Тоғдек салобатли дадамнинг бор меҳри ичиде экан... Ишонинг, ҳеч қайси ота бемехр бўлмайди. Ичадигани ҳам, сўқадигани ҳам, хатто урадигани ҳам... гапига кирмасангиз бир шапалоқ уради, ўзининг юрагига бир мушт тушади, сизни уриб туриб дили йиғлайди... Корнингиз очса, кўчадан қайси йўл билан бўлсада, нон, тобингиз қочса, тун демай, дори топиб келади... Дадамдан йигирма икки йил аввал жудо бўлганман. Ҳозир ҳам йиғласам, юрагим ёниб турса, бирор нарсдан қаттиқ кўрксам, сиқилсам, дадажон деб йиғлайман. Унинг руҳидан нажот тилайман... Болалиқнинг бол тотган кўчалари кўз олдимга келса, биринчи бўлиб, ҳовлимизнинг томорқа эшигидан салобатли дадамнинг йўталиб ёки томоқ қириб келаётгани кўз олдимда гавдаланади, руҳан унга суйнаман. Ёшим бир жойга бориб қолди, лекин барибир дадаси борларга чўнон хавасим келади. Дуоғўйи, дардманди, суянчиғи, маслаҳатгўйи бор дўстларим. Оҳ, сизларга нечоғли хавасим келади... Қариб-лишиб қолсаям юрагингизнинг кўри, тафтингизни олувчи қалқон отангиз борлигининг ўзи давлатингиз-ку! Бу давлатни бой берманг. Бу давлатнинг ҳамма нарсдан устунигини болаларингизга ҳам сингиринг. Отанинг буюклиғи шундаки, у кундалик ҳаётда учраб турадиган мураккаб муаммоларни ақл тарозисидан олдан ўлчаб, энг тўғри хулоса чиқаради. У оиланинг сардори, файзу баракоти, зеб-зийнатидир. Отангиз сизни қойиб ёки дилингизни оғритиб қўйган бўлса, кечиринг. Аслида оталар уэр сўрамайдилар. Сиз унинг борлигини, устунигингиз борлигини ҳис этиб яшанг... Нигора ПУСУРМОҢОВА.



Red Bull асосчиларидан бирининг невараси Вораютх Йовидья 3 сентябрь куни Бангкокда ҳибсга олингани ҳақида хабар тарқатди Asien News.

Вораютх қора рангли "Феррари"да бораётиб, шаҳар бўйлаб мотоциклда патруллик қилаётган полициячини уриб кетиб, воқеа жойидан қочганликда гумон қилинмоқда. Автомобиль мотоциклдан кулаган полициячини 200 метр масофага судраб борган. Шу оралигда тўкилган машина мойини текширган полиция Вораютхнинг изига тушишга муваффақ бўлди. Йўлдаги

доғлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини Red Bull энергетика асосчиларидан бири бўлган Чалеу Йовидья оиласининг дангиллама ховлиси дарвозасига етаклаб келди. Қўлга олинган Вораютх айбига иқрор бўлди. Чалеу Йовидья 2012 йил 17 мартда 80 ёшида вафот этган эди. У Таиланддаги бойлар ўртасида учинчи ўринда турарди.



Мексикада Залива нарккартели етакчиси Давид Росалес Гузман қамоққа олингани ҳақида полиция хабар берди, деб ёздаи AFP агентлиги.

"Эл Команданте Диабло" лақабли бу нарккарбарон Мексика шимолидаги Монтеррей шаҳрида қўлга туширилди. Гузман 2012 йилнинг фақат августида содир этилган 19 та қотилликка алоқадорликда гумон қилинмоқда. Жумладан, полициянинг маълумотларига қараганда, у курбонларнинг жасадларини кўп сонли аҳоли яшайдиган шаҳарлардаги кўприкларга осиб қўйишдек, шов-шувли қотилликларда қатнашган. Шунингдек, бу нарккарбарон одамларни ўғирлаш ва товон талаб қилиш билан шуғулланганликда ҳам гумон қилинмоқда. 2006 йилдан қишлоб шу кунгача Мексика нарккартеллари ўртасидаги жанжалларда 50 минг киши ҳаётдан кўз юмди.



НИГОҲ

МИЛИЦИЯМИ ЁКИ КОРРУПЦИЯ?

Қирғизистонни ўргимчак тўридек ўраб-чирмаб олган жинотчилик худди даҳшатли цунамидек тоғлар ошиб, хорижий оммавий ахборот воситалари эфирни орқали бутун дунёга

ўзини танитмоқда. Хусусан, Россия НТВсининг "Марказий телевидение"си турмадаги қўзғолон пайтида бизнинг оғзи "тиқилган" жинотчиларимизни намойиш этди.

Бирок, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари гап жинотчиликка қарши кураш мазвусига кўнганда, оғзига толқон солиб, балиққа айланади қолади. Коррупциянинг изидан борсангиз пешонангиз ИИБ биносига урилиши шундан эмасмикан? Бўлмаса, собиқ аппаратчи, наркотрафиканинг ҳаммага маълум ва машхур вазисий полковник Суён Омурзоқовнинг ўш милицияси бошлиғи этиб тайинлангани қандай тушуниш мумкин? Дарвоқе, ўш аҳолиси шаҳар ички ишлар бошқармасини милиция эмас, "коррупция" деб атайди.

Хомон милициянинг сотилгани ва мамлакат жанубидаги жиний вазият ҳақида сўз очилган экан, Жаҳолабод вилоти Акси тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Абдурашид Каримқуловни кимлардир обдон дўппослашганини эслатиб ўринлидир. Номаълум кишилар яхшигина калтаклаган А. Каримқулов жиддий жароҳатлар олиб, маҳаллий шифоҳонага ётқизилди.

Биз жабрланганлар қайси миллат вакиллари эканини атайлаб келтирдик. Негаки, Каримқулов ҳам, унинг кўли остидаги ходимлар ҳам ашаддий

миллатчилар. Бирок, моддий манфаатдорлик масаласи юзага келганда, уларнинг миллатчилиги қайишдек эшлади, новдаке буралади. Каримқуловнинг ўнг қўли бўлган катта лейтенант Қозим ҳам номдор миллатдан, яъни қирғиз эмас, балки тожик. Аммо, маҳаллий ўзбек ва уйғурларни "эзиз"да бу ҳалақит бермайди.

Аксис тумани маъмурияти бошлиғи Медет Айдаралиев ҳам маҳаллий аҳоли тўғри гапирётганини эътироф этди. У Каримқулов устидан прокуратурага шикоят тушгани боис истефога чиқарилишини маълум қилди.

Ҳўп, Абдурашид Каримқулов лавозимидан кетди ҳам дейлик. Бирок, вазият ўзгарармикан? Агар губернатор Азиз Турсунбоев ўзи жиний Анорбоевнинг вазисатчилигида "Мир" лақабли каллакесар Абдурашид Қамирзаев ҳамда машхур Оксан панохи остидаги жинотчи тўдалар билан мустаҳкам алоқада экан, яқин орада қонун ва адолат тантана қилишига умид боғлаш ноҳозирдир.

А. ШЕЙШЕКЕЕВ, Центр Азия.

Мен сизни соғиндим, болалик ўртоқларим... Тупроқ кўчаларда чоққиллаб кетаётган болакай, бошчасига қип-қизил дурра танган қорамғиз қизалоқ... Ана, Рихси буви тандирда нон ёпаётган чоғи, ширин исси димоқни қитқилаб ўтди... Биз, қизлар йигитчалар билан бирга тўп тепамиз. Мен дарвозабон, Жўра, Йўлдош, Камол, Мутал акаларимиз хужумчилар... Бу қиз бола бўлса, дарвозабонлик қила олармикан, деган ўй ҳеч кимда йўқ. Ҳамма соддалик билан битта сал пучайган тўпнинг ортидан қора терга ботгунча чопади. Пасткамгина девор ортидан онамнинг юзлари кўринади: "Ҳой, дадангиз ишдан қайтадиган вақт бўлди, сизлар айтганларини ҳали бажармадингиз".

га уринади, аммо барибир отамизнинг ўрнини босолмайди. Ҳеч ким ҳеч қачон отанинг ёки онанинг ўрнини босолмайди! Шунинг учун оталаримизнинг олдидаги ҲУРМАТ чегарасини сақлашимиз керак. Отангиздан нафратланманг, бугун ичиб келса, эртага ўз ихтиёри билан ортага қайтади, ишонинг... Оталарнинг кўнглиллари аслида оналарникидан ҳам юмшоқ, шунинг учун жуда меҳрибон бўлишади.

Болаликда дадам эркалаганини сира эслолмайман. Доим ичимда бир алам юрарди: дадам мени ёмон кўрса керак, сира эркаламаган. Қаттиқ адашган эканман... Ун саккиз ёш эдим, университетга ўқишга кирдим... Хужжат топшириш учун кетаётганимда талабчан ва қаттиққўл дадам: "Қаерда кўргансан камбағалнинг боласи ўқишга кирганини, ортинга қайт, яхшиси ишга кир" деганди. Ичимда нилмадир чирт узилган, дадамга қарши гап айтолмасамда, яна бир марта топши-

риб кўрай, деганман ўтинч билан. Дадам индамай мени кузатган. Узим мустақил пойтахтга йўл олиб, Эски шаҳарда ижарада яшаб, бир ойдан сўнг ўқишга кириб қайтдим. Уйга келганимда еттинчи осмонда учардим гўё. Уша вақтда акам институтни битириб, Германияда аскарлик хизматини ўтарди. Акамнинг яқин жўраси Олим ака онам билан бирга ман-

аммо бу кўзешларини менга кўрсатмасликка тиришарди. Тоғдек салобатли дадамнинг бор меҳри ичиде экан... Ишонинг, ҳеч қайси ота бемехр бўлмайди. Ичадигани ҳам, сўқадигани ҳам, хатто урадигани ҳам... гапига кирмасангиз бир шапалоқ уради, ўзининг юрагига бир мушт тушади, сизни уриб туриб дили йиғлайди... Корнингиз очса, кўчадан қайси йўл билан бўлсада, нон, тобингиз қочса, тун демай, дори топиб келади... Дадамдан йигирма икки йил аввал жудо бўлганман. Ҳозир ҳам йиғласам, юрагим ёниб турса, бирор нарсдан қаттиқ кўрксам, сиқилсам, дадажон деб йиғлайман. Унинг руҳидан нажот тилайман... Болалиқнинг бол тотган кўчалари кўз олдимга келса, биринчи бўлиб, ҳовлимизнинг томорқа эшигидан салобатли дадамнинг йўталиб ёки томоқ қириб келаётгани кўз олдимда гавдаланади, руҳан унга суйнаман. Ёшим бир жойга бориб қолди, лекин барибир дадаси борларга чўнон хавасим келади. Дуоғўйи, дардманди, суянчиғи, маслаҳатгўйи бор дўстларим. Оҳ, сизларга нечоғли хавасим келади... Қариб-лишиб қолсаям юрагингизнинг кўри, тафтингизни олувчи қалқон отангиз борлигининг ўзи давлатингиз-ку! Бу давлатни бой берманг. Бу давлатнинг ҳамма нарсдан устунигини болаларингизга ҳам сингиринг. Отанинг буюклиғи шундаки, у кундалик ҳаётда учраб турадиган мураккаб муаммоларни ақл тарозисидан олдан ўлчаб, энг тўғри хулоса чиқаради. У оиланинг сардори, файзу баракоти, зеб-зийнатидир. Отангиз сизни қойиб ёки дилингизни оғритиб қўйган бўлса, кечиринг. Аслида оталар уэр сўрамайдилар. Сиз унинг борлигини, устунигингиз борлигини ҳис этиб яшанг... Нигора ПУСУРМОҢОВА.



АҚШда митти Bluetooth-принтер ишлаб чиқарилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, ушбу янги қурилма Bluetooth модулли телефон ва ноутбукдан маълумот олиб, қоғозга кўчириш хусусиятига эга. Этти юз грамм келадиган жажжи принтернинг бўйи йигирма беш, эни икки юз саксон миллиметрини ташкил қилади. Дақиқасига уч бет чоп эта оладиган бу қурилманинг нархи ҳозирча уч юз эллик АҚШ долларига тенг.

Чилилик олимлар томонидан яратилган янги кашфиёт - тишларни кариесни қаршиси бутунлай йўқотишга қодир молекуланинг АҚШда тақдими бўлиб ўтди. Йель университети ходими Хосе Кордова ва Сантьяго университети вакили Эрих Астудильоннинг самарасида кашф борган кўп йиллик тадқиқотлари самарасида кашф этилган ушбу ақли молекула "Кеер 32" деб ном олган. Маълумотларга қараганда, "32 тишингизни асра" деган маънони англатувчи ушбу молекула кариесни келтириб чиқарувчи "Streptococcus Mutans" бактерияларини атиги бир дақиқа ичиде ўлдириш хусусиятига эга. Хабарларга қўра, стоматология оламида катта янгилик ҳисобланаётган маъмур лойихани тез орада амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда. "Кеер 32"ни оғиз бўшлиғини тозалайдиган оддий гигиеник воситаларга - тиш пасталарга, оғиз чайиш воситаларга, тиш гелларга, сақич каби маҳсулотлар таркибига қўшиш мумкин. Маълумотларга қараганда, кашфиётчилар янги ихтирони АҚШда сертификатдан ўтказиш ва йирик компанияларга тақдим этиш ниятида.

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: Кабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 236-55-54. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЕҚУБЖОНОВ. Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА. Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ.

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 7050. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.